



# Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2018 йил 17 март • шанба • № 33 (4006)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ФУТБОЛНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Истикболли ва иқтидорли футболчиларни танлаш ва тайёрлашнинг самарали тизimini яратиш, миллий терма жамоалар ва профессионал футбол клублари учун сифатли спорт захирасини шакллантириш, халқаро талаб ва стандартлар асосида футбол бўйича тренер ва ҳакамларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5368-сон Фармонида мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон футбол ассоциацияси ва «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг:

«Бунёдор» стадионини барча бино ва иншоотлари мажмуаси билан бирга (қейинги ўринларда «Бунёдор» стадиони деб юртилади) футбол бўйича миллий терма жамоалар учун ўқув-машқ жараёнини ташкил қилиш ва спорт мусобақалари ва бошқа тадбирларини ўтказиш юзасидан Ўзбекистон футбол ассоциациясининг асосий базаси этиб белгилаш;

истикболли ёш футболчиларни кейинчалик профессионал тарзда тайёрлаш ҳамда футбол бўйича миллий терма жамоалар ва профессионал футбол клублари учун сифатли спорт захирасини яратиш мақсадида жойларда уларни танлаб олиш (селекция) ишларини амалга оширувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида болалар ва ўсмирлар футбол академиялари, шунингдек, Ўзбекистон футбол ассоциацияси хузурида Республика болалар ва ўсмирлар футбол академиясини ташкил қилиш;

болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига ишга қабул қилинадиган футбол бўйича тренерлар номзодларини Ўзбекистон футбол ассоциацияси билан мажбурий келишиш тартибини жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги Футбол бўйича тренер ва ҳакамларни тайёрлаш республика мактабини тугатиш, футбол бўйича тренер ва ҳакамларни тайёрлаш, қайта тайёр-

лаш ва малакасини ошириш вазифасини Ўзбекистон футбол ассоциациясига юкляш;

Ўзбекистон Футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги филиалларини тугатиш ҳамда бўшаган маблағларни Ўзбекистон футбол ассоциациясига йўналтириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. 2018 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг:

фуқаролар йиғинининг воёга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси раҳбарлари вазифасини фуқаролар йиғинлари раислари ўринбосарлари — ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчилар зиммасига юкляш;

фуқаролар йиғинлари раисларининг ўринбосарлари — ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларини Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистон футбол ассоциацияси маблағлари ҳисобидан моддий рағбатлантириш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, фуқаролар йиғинларининг воёга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялари:

футбол ва бошқа спорт турларини омма-лаштириш, соғлом турмуш тарзига ўргатиш, маҳаллаларда истикомат қилувчилар орасидан истикболли ва иқтидорли болалар ва ёшларни танлаб олиш (селекция) ишларини ташкил этиш масалаларида туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, болалар ва ўсмирлар футбол академиялари, спорт федерация (ассоциация)ларининг ҳудудий бўлин-

малари билан ҳамкорлик қилади;

маҳаллаларда футбол майдонлари ва бошқа спорт иншоотларини ободонлаштиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари, Ўзбекистон футбол ассоциациясининг ҳудудий бўлинмаларига қўмаклашади.

5. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон футбол ассоциацияси билан биргаликда икки ой муддатда:

маҳаллаларда футбол майдонлари қурилишини, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартларида қурилишини назарда тутувчи «Ҳар бир маҳаллада футбол майдони» дастурини;

фуқаролар йиғинлари раисларининг ўринбосарлари — ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларни моддий рағбатлантириш тартибини тасдиқлаш тўғрисидаги ҳукумат қарорлари лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон футбол ассоциацияси, Фарғона ва Тошкент вилоятлари ҳокимликларининг:

ҳомийлик маблағлари ва Фарғона вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларини молиялаштириш манбаси этиб белгила-ган ҳолда, Ўзбек футболнинг 105 йиллигига бағишлаб Фарғона вилояти Қўқон шаҳрида замонавий футбол стадиони қуриш;

ҳомийлик маблағлари, Ўзбекистон футбол ассоциацияси маблағлари ва Тошкент вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларини молиялаштириш манбаси этиб белгила-ган ҳолда, суд томонидан давлат даромадига ўтказилган Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги «Сижжақ» дам олиш маскани негизда Ўзбекистон футбол ассоциацияси хузурида футбол бўйича миллий терма жамоалар учун ўқув-машғулот базасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Қўқон шаҳрида футбол стадиони қурилишини ва Бўстонлик туманида ўқув-машғулот базасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон футбол ассоциацияси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари фаолиятини танкидлий ўрганиши ва натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

уларнинг негизда 14 та ҳудудий болалар ва ўсмирлар футбол академиялари ва Ўзбекистон футбол ассоциацияси хузурида Республика болалар ва ўсмирлар футбол академиясини ташкил қилиш, уларни Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизими-дан Ўзбекистон футбол ассоциацияси тасарруфига ўтказиш ҳамда амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаб қолиши;

футбол бўйича бошқа давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатларини ҳудуд-ларда спорт турларини ривожлантириш зару-рати ва устуворлигини инобатга олган ҳолда, бошқа олимпия ва миллий спорт турлари, шу жумладан спортнинг ўйин турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интер-натларига қайта ихтисослаштиришни;

болалар ва ўсмирлар футбол академия-ларига, шунингдек, қайта ихтисослаштирила-ётган давлат ихтисослаштирилган мактаб-ин-тернатларига бериладиган бино ва иншоот-ларни реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлашни босқичма-босқич амалга оши-риш дастурини тасдиқлашни;

ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларидаги футбол бўлимларини кискартириш ва бўшаётган ўқувчи қабул қилиш квоталарини олимпия ва миллий спорт турла-рига, шу жумладан спортнинг ўйин турларига йўналтиришни;

## КҮН НАФАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 март куни Остона шаҳрида ўтган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашувида иштирок этди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Қозғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркманистон Межлиси раҳбари Акжа Нурбердиева иштирок этди.

Учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев бу кун Марказий Осиё халқларининг кўп асрлик яхши қўшничилик тарихида янги саҳифа очилганини таъкидлади.

Президентимиз Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини ҳар йили Наврўз байрами арафасида ўтказишни, навбатдаги учрашувни келгуси йили Тошкентда ташкил этишни таклиф қилди.

Ўзаро ишонч ва манфаатдорлик асосида савдо, иқтисодиёт, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар соҳаларда, хавфсизлик ва барқарорлик масалаларида ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

15 март куни Остона шаҳридаги Оқўрда қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Қозғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев кутиб олди.

Дастлаб икки давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Қозғистон Президентлари икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истикболларини муҳокама қилдилар. Ўзаро ҳамкорликни изчил ривожлантириш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари ва томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Қозғистон Республикаси 2018 йили мамлакатда Ўзбекистон йили деб эълон қилган. Бу қозоқ эли ва Қозғистон давлатининг ўзбек халқига, мамлакатимизга ҳурмати, эҳтиром раъзи. Шу муносабат билан «Остона опера» театрида тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон Президентлари ва Марказий Осиё давлатлари делегациялари аъзолари, дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Маросимда Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев нутқ сўзладилар. Ўзбекистон ва Қозғистон раҳбарлари мазкур йирик тадбир икки халқ ўртасидаги маданий алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро тажриба алмашиш ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнашини таъкидладилар.

Қозғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев икки томонлама муносабатларни ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни биринчи даражали «Дўстлик» ордени билан мукофотлади.

Ўзбек санъат усталарининг чиқишлари йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишладилар.

Қозғистонда Ўзбекистон йили доирасида маданий-маърифий тадбирлар, иждоий учрашувлар, фестиваллар ўтказиш, Қозғистон маданият ахлининг Ўзбекистонга ташрифини амалга ошириш мўлжалланган.

16 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини имзолади.

Унга кўра, 2018 йил 1 майдан бошлаб хусусий тиббиёт ташкилотларига руҳий ҳолат ва ҳулқ-атвор бузилишини ташхис қилиш ҳамда даволаш бўйича аҳолига айрим хизматлар кўрсатишга руҳсат этилади.

2018 йил 1 октябрдан бошлаб диспансер кузатуви остидаги шахслар тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг психиатрия муассасаларида қанча муддат бўлганликлари, берилган дори воситалари, кўрсатилган ижтимоий хизматлар ва тақдим қилинган имтиёزلардан иборат бўлган, шунингдек, бу соҳадаги ишларнинг ҳолати тўғрисида тезкор ахборот олиш имконини берувчи ушбу шахсларнинг ягона электрон реестри юритилиши амалга оғта жорий этилади.

Шунингдек, 2018 йил 1 апрелдан бошлаб ички ишлар органлари ўз жонига қасд қилинган ҳар бир ҳолат тўғрисида психиатрия хизмати муассасаларига зудлик билан хабар бериши белгилаб қўйилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 майга қадар психиатрия муассасаларини ўз жонига қасд қилиш ҳаракатлари тўғрисида мажбурий равишда хабардор этиш тартибини ишлаб чиқди.

14 март куни Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида Ўзбекистон Бош консулхонасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Бош консулхонаси қуйидаги манзилда жойлашган: Россия Федерацияси, Санкт-Петербург шаҳри, 4-Красноармейская кўчаси, 4А-уй.

Интернет нашрлари ҳамда ўз мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди

## Қут ва барака байрами

Наврўз — қуёш ҳаракатиغا асосланган йил ҳисобининг бошланishi, қиш кетиб, кўклам келгани тантана қилинувчи кўндир. Жамики борлиқни бир бутунликда, ўзвий боғлиқликда идрок этган инсон ўзида табиатни, табиатда ўзини кўрган, англаган, англаган. Кўн қисқариб, тўн узая бориб, маълум нўқтада тўхтади. Аксинча, яна тўн қисқариб, кўн чўзила бориб, белгили манзилга етиб, қайтади. Қуёшнинг чиқиш-ботиш ҳаракати баробарида фасллар алмашади. Бир йиллик ҳалқа ёпилиб, янгисига навбат етади. Қуёш манзиллари (кичик ўлчамда — кўн—тўн, фасл, йил)ни кузатиб, фикр қилган аждодларимиз ботиб (ҳалок) бўлиб, янгидан чиқувчи (тирилувчи) қуёш ва ўлиб тирилувчи табиат ҳақидаги тасаввур, дунёқарашлари, билим-тажрибаларини тимсоллар тилида, шакл-белгиларда авлодларга мерос қолдирган. Фан бу қўйма тимсолли хулосаларни «қуёш туркум мифлари» деб атайди.



## Жавоб излаётган саволлар

Мамлакатимиз қонунларига кўра, ҳар бир фуқаро оммавий ахборот воситалари орқали ўз фикрини эркин баён этиш ҳуқуқига эга. Тахририятимиз мўшаррийларга ана шундай имконият яратиб бермоқда. «Жавоб излаётган саволлар» рўқни остида сиздан келиб тушган, ижтимоий қизиқиш манбаи бўлиб, жамиятда бир шахснинггина эмас, балки кўпчиликнинг эътиборидаги мавзуларга тааллуқли мурожаат, таклиф ва саволлар бундан буюн тегишли идоралар ва кенг жамоатчилик ҳўқмига ҳавола этилади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ФУТБОЛНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон футбол ассоциацияси хузуридаги Республика болалар ва Усмилар футбол академиясини «Бунёдкор» стадионига жойлаштиришни назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

Давлат бюджети маблағларини; Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг болалар ва Усмилар футболни ривожлантириш учун ажратиладиган маблағларини;

порт воситаларини олиб қирганлик учун божхона тўловларини (божхона йиғимларидан ташқари);

расмийлаштирилиши таъминласин. 13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон футбол ассоциациясининг талабномаларига кўра хориждан жалб этиладиган мутахассисларга давлат божи ундирмаган ҳолда кўп марталик кириш визалари расмийлаштирилиши, берилиши ва муддатининг узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилиши ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини таъминласин.

фаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда «Бунёдкор» стадионининг Ўзбекистон футбол ассоциациясини балансига ўтказилишини таъминласин.

Касаба уюшма стипендиатлари



Иزلаниш иштиёқи

Халқимизда «Ёшлиқда олган билим тошга ўйилган нақшдир» дейилган ҳикмат бор. Унинг маъзини чақиб, унга амал қилган киши асло ютқазмайди.

Сабоҳат ёшлиқдан тиббиётга меҳр қўйди. Шифокорлик касбини эгаллаб, эл хизматига бўлишни ният қилди. Киши чин дилдан интилса, ҳамма орзусига эришади.

Сабоҳат ҳозирда инглиз ва рус тилларини кунт билан ўрганмоқда. У стоматология соҳасида Ўзбекистонда қўлга киритилмаган ютуқларга ўз хиссасини қўшишни орзу қилади.

Салим АБДУРАҲМОНОВ, «Ishonch» муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2018 йил 16 март

Ш.МИРЗИЁЕВ

Қут ва барака байрами

Куёш йўли манзилларининг ушбу тўхташ нукталари халқ тилида «кўрут» деб аталган. Қиска шакли «Қўт». Қўрут, қўт, қут сўзларнинг негизидеда ку, қу, гу — ёруғлик, нур маънолари мужассам. Куёш, тунаш, кун, кўр, кўз сўзлари ҳам шундай маънога эга.



— Бота, бота-бо, бойчечак, Уйингизга чоч тилла. Илойим ўеи берсин. Отағидаси Раҳматилла.

Ўз ва қиш кутларининг номланиши ҳам бевосита куёш ҳаракати, ҳолати билан chambarchас боғлиқ. Ёз сўзи ёйилмоқ, узаймоқ мазмунига эга ва куёшли кунларнинг узайишини англатади.

дунёқараш ва тасаввурлар ўзагидан ўсиб чиққан. Гўрўғли ер остида туғилиб, ўз вазифасини адо этгач, яна қайтиб форга кириб кетади.

дейдилар. Хонадон соҳиби жўрабоши тутиб турган бойчечакни қўриб, тавоф қилиб, химматига яраша бойчечакчиларга ул-бул беради.

Ҳисобот

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ИЖРОСИ

ҳодимнинг кайфиятида акс этади

Республика Инкассация хизмати давлат унитар корхонаси Наманган вилоят божқармасида 2017 — 2019 йиллар учун тузилган жамоа шартномаси ижроси юзасидан йўналиш ўтказилди.

рағбатлантиришлар амалга оширилди. Жамоа шартномасига кўра, йил давомида иш якуни бўйича, узоқ муддат ишлаганлик учун, юбилей саналарда рағбатлантиришлар амалга оширилади.

шумини инкассация қилиш ишида қатнашувчи ҳодимлар хизмат кийимлари, пойабзал ва аслаҳа-анжомлар билан бепул таъминлаб берилмоқда.

яти ҳукмрон бўлади, — дейди қорхона касаба уюшма кўмитаси раиси Нодира Абдурахимова. — Ҳодимларнинг манфаати билан боғлиқ ҳар қандай масалаларда раҳбаримиз бизни қувватлайди.

нидан ҳам қутлуг ёшдаги ҳамкасблар рағбатлантирилди. Эзгу ишлар қўп, уларни санаб адоғига етиб бўлмайди.

Таъкидлаш ўринлики, мазкур ташкилот «Энг намунали болангач ташкилот» республика танловини совриндорларидан. Ютуқлар ҳам, табиийки, шунга яраша.

қилади. Йил давомида ҳар бир ҳодимнинг меҳнати муносиб равишда тақдирланиб борилади.

Инкассатор ва ҳайдовчилар меҳнат қонуничлиги ҳамда Марказий банкнинг 668-сонли йўриқномаси талабларига асосан белгиланган жадвал ва рўйхат асосида йилда бир марта иш берувчи хисобидан тиббий кўриқдан ўтказиб келинмоқда.

— Иш берувчи ва касаба уюшма кўмитаси бир-бирини тўғри туншунган, қўлаб-қувватлаган қорхонада ҳар доим соғлом маънавий муҳит, ишчанлик кайфи-

Шомирза ТУРДИМОВ, филология фанлари доктори



**ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ  
САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ  
КАСАБА УЮШМАСИ  
РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ**



*Юртдошларимиз ва  
соҳа ходимларини  
умумхалқ байрами  
НАВРЎЗИ ОЛАМ  
билан қутлайди.*



**Қалбларимиз самимият,  
меҳр-оқибат ва  
қувончга тўлсин.  
Мустаҳкам соғлиқ, баҳорий  
гўзаллик доимо  
ҳамроҳимиз бўлсин!**



Тошкент вилояти Занжона тумани Уртағузу ёрғони Ёллик кўнжиде жойлашган Тошкент шаҳар, Сергели тумани ҳокимияти томонидан №6002344-06 рақам билан 12.10.2009 йилда рўйхатдан ўтган «ALTIVO SERVIS» МЧК (ИНН: 301342515)га тегишли Тошкент вилояти ер тўзи ва кўчмас мулк кадастри хизмати томонидан ТА№1735188 рақамли бино ва инжонотлар учун берилган гувоҳнома йўқолишига сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Учтепа туманида жойлашган ҳалқ таълими бўлими тасарруфидиги 129-сонли мактаб учун туман БТИси томонидан берилган кадастр ҳужжатлари йўқолишига сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимияти томонидан реестр рақами №6002909-03 билан 2007 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтган «Dida Innovation» МЧК (ИНН: 206940356)га Тошкент шаҳар «Ёр тўзи ва кўчмас мулк кадастр хизмати» томонидан 15.08.2017 йилда берилган №6583 рақамли нотариал илора учун берилган «Маълумотнома» йўқолишига сабабли бекор қилинади.



**Наврўз айёмингиз  
муборак бўлсин,  
азиз юртдошлар!**

*Барчангизга  
соғлиқ-омонлик,  
бахту саодат ҳамда  
хонадонларингизга файзу  
барака тилаймиз.*

Шу фурсатдан фойдаланиб,  
Агробанк сизлар учун қулай бўлган  
истеъмол кредитларини таклиф этади:



www.agrobank.uz  
tel. (+99871) 203 88 88  
/AgrobankChannel Agrobank Mobile иловасини юклаб олинг  
/agrobankuzbekistan App Store Google Play Хизматлар лицензияланган

**Самарқанд вилоят  
касаба уюшма ташкилотлари  
бирлашмаси кенгаши**

*Барча юртдошларимизни, жумладан,  
касаба уюшма аъзоларини  
НАВРЎЗ АЙЁМИ  
билан самимий муборакбод этади.  
Баҳорнинг муборак қадамлари  
қутлуғ, баракали бўлсин!*



Талабларингизга биноан, «Ishonch» газетаси 2018 йилнинг апрелидан сотувга чиқарилади.

**МУАССИС:**  
**O'zbekiston  
kasaba  
uyushmalari  
Federatsiyasi**

ISSN 2030-6009  
2007 йил 11 январда  
Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигида  
116-рақам билан рўйхатга  
олинган.

**Бош муҳаррир:**  
Хусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**  
Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63  
Ҳуқуқ ва халқро ҳаёт — 256-64-69  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43  
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

**www.ishonch.uz** сайти орқали Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнги англиклар,  
таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни  
билан танишишингиз мумкин.

**Манзилимиз:**  
100165, Тошкент шаҳри,  
Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг шешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер  
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида  
чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисоб рақами:**  
2021 0000 0004 3052 7001,  
АТИБ «Протека банк» Яшнобод филиали,  
банк номи: 00959, СТИР: 201133889, ОКОНХ: 87100

**Ҳудудлардаги муҳбирлар:**  
Қорақалпоғистон  
Республикаси — (+998-91) 268-92-32  
Андижон — (+998-91) 475-23-60  
Бухоро — (+998-93) 653-50-81  
Ўзбекистон — (+998-91) 943-67-44  
Наманган — (+998-90) 260-50-77  
Навоий — (+998-93) 314-13-03  
Самарқанд — (+998-97) 915-50-87  
Сирдарё — (+998-90) 610-95-55  
Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07  
Фарғона — (+998-91) 141-27-70  
Хоразм — (+998-90) 719-48-00  
Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фариқланиши мумкин.

**Набатчи муҳаррир:**  
А. Қодирова  
**Набатчи:**  
Ж. Эргашев  
**Мусаҳҳиҳ:**  
С. Шодиева  
**Саҳифаловчи:**  
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти: — 00:40  
Топширилди: — 00:50  
1 2 3 5 6  
Газета офсет усулида,  
А-2 форматда босилди.  
Ҳажми 2 босма табоқ.  
Буюртма Ғ — 309.  
36887 нускада босилди.  
Нашр кўрсаткичи: 133